

Мавъизалар халқимизга манзур бўляпти



19:13 / 06.07.2021 1623

Аввал хабар берганимиздек, юртимиз уламолари Тошкент вилоятидаги масжидларга ташриф буюришди. Бугунги ташрифлар асносида Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Музаффар Комилов ҳамда «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Юсуф Бўка туманидаги «Сайдали эшон» жоме масжидига ташриф буюриб, пешин намозидан сўнг мўмин-мусулмонлар билан дилдан суҳбатлашдилар, уларга чиройли маърузалар қилиб бердилар.





Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков Пискент туманидаги «Пискент» жоме масжидида, Муҳаммадайюбхон домла Ҳомидов эса «Келовчи» масжидида пешин намозини ўқиб, сўнгра намозхонларга мавъизалар қилиб беришди.



Шунингдек, Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «Ракат» жоме масжиди имом-хатиби Раббимқул Муҳаммадиев тумандаги «Работ» жоме масжидида жамоатга мавъиза қилиб берди.



Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасурбек домла Раупов ва Ўзбекистондаги Ислон цивилизация маркази масъул ходими Аброр Мухтор Али Бўка туманидаги «Полвон тўра» жоме масжидида пешин намозидан сўнг илмий суҳбат қилиб, саволларга жавоб беришди.



Янгийўл шаҳар бош имом-хатиби Хумоюддин домла Тошболтаев эса «Эштой Бобо» жоме масжидида пешин намозидан сўнг илмий суҳбат қилиб берди.

Суҳбатлар, маърузалар савол-жавобларга уланиб кетди. Уламоларнинг намозхонлар билан учрашуви, маънавий-маърифий тадбирлар аҳолига манзур бўлмоқда.

Уларнинг билим савиясини оширишга хизмат қиляпти, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлардан хабардор қилмоқда. Мавъизалар намозхонларга манзур бўляпти.

